

БЛК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал




ISSN 2010-6580

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**



**ЗАРУБЕЖНЫЙ И ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ ОПЫТ
ПОДДЕРЖКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ COVID-19**

- стр. 12



ЎЗБЕКИСТОН

- Гаров реестри ҳамда ундан фойдаланишнинг афзалликлари ва қулайликлари -4-бет
- Ипотека-банк - тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва мададкори -10-бет
- Регулирование неформальной занятости в Узбекистане в условиях цифровизации экономики -стр.26

*Ватанимизнинг
Мустақиллик байрами
муборак бўлсин!*

ИПОТЕКА BANK

29



Ассалому алайкум, азиз ўқувчи!

Коронавирус келтириб чиқарган пандемия ҳаёт тарзини буткул ўзгартириб юборди, жумладан, иқтисодиёт ва тадбиркорликка бўлган нуқтаи назар ва ёндашувлар ҳам ўзгаришларга юз тутди. Нафақат давлат идоралари ва ташкилотлари, балки хусусий бизнес тузилмалари ҳам вазият тақозоси билан иш услубларини қайта кўриб чиқмоқда ҳамда юзга келган шарт-шароитга мослашмоқда. Аввалдан режалаштирилган айрим чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўз-ўзидан тезлашиб кетди.

Энг улуғ байрамларимиздан бири – Мустақилликни ҳам шундай бир руҳиятда нишонлапмиз-ки, ҳамма рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб-билиб, тушуниб турибди. Шу боис ушбу байрамни хонадонларда, камтарона тарзда нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу тушунарли, албатта, чунки ҳозирги шароитда катта жамоа бўлиб бир ерга тўпланиш карантин қоидаларига тўғри келмайди. Бунинг устига, қанчадан-қанча инсонлар касалхо-

наларда даволанишяпти, айримларни эса сақлаб қолишнинг иложи бўлмаяпти. Минг афсус...

Бироқ буларнинг ҳаммаси юртга келган, миллат бошига тушган катта синовдир. Ҳа, биз бу қийинчиликлардан албатта ўтиб оламиз, кўринмас душманга қарши даво топилади ва ҳаёт ҳам олдингадй бир маромга тушади, бунга шак-шубҳа йўқ.



Воҳид Умиров,
«Бозор, пул ва кредит»
журнали
бош муҳаррири

Ана шунда катта айёмлар, тадбирларни биргаликда нишонлаймиз, байрам шукуҳига ғарқ бўламиз, албатта. Чунки меҳнаткаш халқимизга байрамлар, шодиёналар ярашади...

Ҳозирги шароитда иқтисодиёт ўсиш суръатларининг ижобий кўрсаткичларини сақлаб қолиш, салбий оқибатларнинг


олдини олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий самарасини бермай қолмайди.

Ўзини ўзи банд қилганлар сони 400 000 кишидан ошгани бу борадаги қарорнинг тўғрилиги ҳаётда ўз тасдиғини топганидан далолат беради. Уларнинг кўпчилиги зарур тажриба тўплаган ҳолда келгусида ўз бизнесларини очиб, тадбиркорликни кенгайтириш ҳаракатига тушишлари эҳтимоли катта.

Энг муҳими, коронавирус билан бирга яшашни, ишлашни ўрганишимиз, тўхтаб қолган корхоналар аста-секинлик билан қайта ишга тушириляпти, одамлар иш билан таъминланяпти, эртанги кунга ишонч тикланяпти...

Катта байрамлар ва шодиёналар ҳали олдинда. Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Сиз билан ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз. Фикр-мулоҳазаларингизни, доимгидек, info@bpk.uz электрон почта манзилимиз ёки [@bpk.uz.ru](https://www.bpk.uz.ru) Facebook ижтимоий тармоғидаги каналимизга юборишингиз мумкин.



CREDIT POLICY

- 4** *E. Akramov*
Advantages and convenience of the pledge register and its use

BANKING ACTIVITIES

- 10** *Kh. Aminov*
Ipoteka-bank – entrepreneurs' reliable partner and supporter

PANDEMIC AND ECONOMIC GROWTH

- 12** *S. Voronin, D. Ugay*
Foreign and local experience of supporting the activities of individual entrepreneurs under COVID-19 pandemic

POPULATION EMPLOYMENT

- 26** *B. Tagaev*
Regulation of informal employment in Uzbekistan in the conditions of the digitalization of the economy

BUDGET POLICY

- 36** *B. Kobilov*
International experience of Participatory Budgeting and prospects for its development in Uzbekistan

BANK MANAGEMENT

- 46** *D. Suyunov*
Issues of introduction of chop etilidni-control system in effective management of joint stock companies

INNOVATIONS

- 56** *D. Abdullaeva, D. Narzullaeva*
Digital logistics: innovative complex of transportation services

INVESTMENT

- 62** *U. Nadirkhanov*
Legislative framework of the Republic of Uzbekistan for foreign investment: main goals, trends and directions of development

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,
Агробанк, Асакабанк, Алокабанк,
Капиталбанк, Микрокредитбанк,
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,
Туронбанк, Трастбанк, Халк банки,
Ўзсаноатқурилишбанк, Кишлоқ қурилиш банк,
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

М.Б. НУРМУРАТОВ

(кенгаш раиси),

Б.Э. ЗАХИДОВ,

О.А. БУТАЕВ,

Р.О. ОХУНОВ

(кенгаш котиби),

С.С. АННАКЛИЧЕВ,

К.Н. ИРИСБЕКОВА,

А.Қ. МИРСОАТОВ,

Ч.С. МИРЗАЕВ,

С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Директор:

Г.Н. БЕЗГИН

Бош мухаррир:

В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:

Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
<http://www.bpk.uz/>
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.

Журналининг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 28.08.2020 й.

Босишга рухсат этилди: 28.09.2020 й.

Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида chop этилди.

Шартли босма табоғи: 9.0.

Буюртма №46, Адади: 1330.

«SILVER STAR PRINT» МЧЖда chop этилди (Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даха, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob» тезорар поездларида тарқатилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни chop этмокчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда куйидаги манзилга юборинг: info@bpk.uz

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали таништиришгиз мумкин.
Эслими: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғлиқ телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БУ СОНДА В НОМЕРЕ

КРЕДИТ СИЁСАТИ

- 4** *Э. Акрамов*
Гаров реестри ҳамда ундан фойдаланишнинг
афзалликлари ва қулайликлари

БАНК ФАОЛИЯТИ

- 10** *Ҳ. Аминов*
Ипотека-банк – тадбиркорларнинг ишончли
ҳамкори ва мададкори

ПАНДЕМИЯ И ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

- 12** *С. Воронин, Д. Угай*
Зарубежный и отечественный опыт поддержки
деятельности индивидуальных предпринимателей
в условиях пандемии COVID-19

ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ

- 26** *Б. Тагаев*
Регулирование неформальной занятости в
Узбекистане в условиях цифровизации экономики

БЮДЖЕТ СИЁСАТИ

- 36** *Б. Кобиллов*
Партисипатор бюджетлаштиришнинг халқаро
тажрибаси ва Ўзбекистонда ривожлантириш
истикболлари

БАНК МЕНЕЖМЕНТИ


- 46** *Д. Суюнов*
Акциядорлик жамиятларини самарали
бошқаришда «комплаенс-назорат» тизими жорий
қилиниши масалалари

ИННОВАЦИИ

- 56** *Д. Абдуллаева, Д. Нарзуллаева*
Цифровая логистика: инновационный комплекс
транспортных услуг

ИНВЕСТИЦИИ

- 62** *У. Надирханов*
Законодательная база Республики Узбекистан
по иностранным инвестициям: основные цели,
тренды и направления развития



ГАРОВ РЕЕСТРИ ҲАМДА УНДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРИ



Элдор Акромов,

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ҳузуридаги
«Гаров реестри» ДУКнинг
бош мутахассиси

Гаров муносабатларида бинолар ва иншоотларнигина эмас, балки интеллектуал мулк, инвентарь ва хомашёлар, дебитор қарзлар, қишлоқ хўжалигининг қутилаётган ҳосили ва бошқа мулкларни ҳам жалб этиш мумкин. Кредиторлар томонидан молиялаштириш амалиётларини шундай таъминотлар гарови остида амалга оширишда таваккалчиликни камайтиришда гаров реестри қўл келади.

Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, бошқа хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланмоқда.

Ҳар қандай кредитор ёки бошқа исталган шахс www.garov.uz сайти орқали гаров реестридан фойдаланиши мумкин, бу эса маълум бир

Мамлакатимизда гаров реестри фаолиятининг илк давридан буён унинг хизматидан мунтазам фойдаланиб келинмоқда. Гаров реестри кредитлар, қарзлар бериш ва бошқа молиявий хизматлар сифатли кўрсатилишига ҳамда кичик бизнес ва аҳолининг молия муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга кафолат бўлиб хизмат қилаётир. Бу эса мамлакатимизнинг молия-банк тизимини халқаро стандартларга мос инфратузилма билан таъминлаш ҳамда кредиторлар манфаатларини янада ишончли ҳимоялашда қўл келмоқда, гаров реестридан реал вақт режимида Интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имконияти таъминланмоқда. Мазкур тизим Халқаро молия корпорациясининг гаров реестри бўйича халқаро экспертлари томонидан юқори баҳолангани бежиз эмас.

мол-мулкнинг гаровда бор ёки йўқлигини аниқлаш ёки гаровдаги мол-мулкка нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар тўғрисидаги маълумотларни қазатиб бориш имконини беради.

Мол-мулк гаровга берилганлиги ёки унга ундирув қаратилганлиги тўғрисидаги мавжуд маълумотларни мулк эгасининг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) орқали гаров реестридан излаш ва маълумот олиш мумкин.

Гаров реестри – қарздорларнинг гаровга бериб қўйган мол-мулкига нисбатан креди-

торларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда бошқа маълумотларнинг ягона ахборот базасидир.

Гаров реестрини ташкил этишдан мақсад – қарздорнинг мол-мулки бошқа жойда гаровга бериб қўйилганлиги, шу жумладан мажбуриятлари бўйича ундирув қаратилганлиги тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредиторлар ўртасида қарзни ундириш

кетма-кетлигини аниқлашдан иборат.

Гаров реестрига киритилдиган ёзув – мажбуриятларни таъминлаш (гаров) воситаси сифатида қарздорлар бериб қўйган мол-мулкка нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари, шунингдек:

- ушлаб қолиш;
- лизинг;
- товарга бўлган мулк ҳуқуқини товарнинг ҳақи тўлангунга қадар сотувчида (кредиторда) сақлаб қолган ҳолда уни сотиш;
- келажакда муайян ҳодиса юз берган тақдирда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш;
- тўловни кечиктирган ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда товарларни олиш-сотишдан юзага келадиган ҳуқуқлар тўғрисидаги;
- ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори тўғрисидаги;
- қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (сервитут, мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхта-тиб туриш) тўғрисидаги;

● қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини тўлаш юзасидан талаблар тўғрисидаги;

● қарздорнинг таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда юзага келадиган бошқа талаблар тўғрисидаги ёзув киритилади.

Гаров реестрига ёзув киритиш шартлари:

Кредитор сифатида қатнашётган фойдаланувчи томонидан ёзув киритиш қарздорнинг розилиги билан амалга оширилади.

Суднинг ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш бўйича қарори тўғрисида ёзув киритиш қарздорнинг розилигисиз амалга оширилади.

Қарздорнинг зиммасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлган тақдирда давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органлари гаров реестрига қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Тергов ва суриштирув органлари қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларини чеклаш (мол-мулкни хатлаш, банк ҳисобварақла-

АСОСИЙ ФОИЗ СТАВКАСИ 14 ФОИЗ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ

Бу ҳақида Марказий банкда бўлиб ўтаётган матбуот анжуманида эълон қилинди.



Марказий банк бошқаруви асосий фоиз ставкасини бир фоиз пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражасида белгилади.



– Ушбу қарор инфляциянинг янада секинлашиши, пандемия шароитида инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайди, – деди Марказий банк раиси Мамарзо Нурмуратов. – Биз 2023 йилга қадар инфляциянинг беш фоизлик доимий кўрсаткичига эришиш чораларини кўрамиз.

Манба: <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/8664-asosij-foiz-stavka-14-foiz-etib-belgilandi>.

Гаров реестрини ташкил этишдан мақсад – қарздорнинг мол-мулки бошқа жойда гаровга бериб қўйилганлиги, шу жумладан мажбуриятлари бўйича ундирув қаратилганлиги тўғрисида кредиторларни хабардор қилиш, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредиторлар ўртасида қарзни ундириш кетма-кетлигини аниқлашдан иборат.

ри бўйича амалиётларни тўхтатиб туриш) бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тўғрисида қарздорнинг розилигисиз ёзув киритади.

Агар қарздор ўзига тегишли бўлган ёзувга ноҳолис ва нотўғри маълумот киритилган деб ҳисобласа – ўзининг шахсий кабинети орқали ёзувга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилган ҳолда кредиторга мурожаат қилишга ҳақли.

Агар мурожаат берилган санадан бошлаб бир ҳафта мобайнида қондирилмаса, қарздор ноҳолис ва нотўғри маълумот деб ҳисоблайдиган ёзув бўйича эътироз киритишга ҳақлидир.

Ёзувдаги ноҳолис ва нотўғри маълумот тузатилган тақдирда қарздор ўз эътирозини олиб ташлаши шарт.

Гаров реестридаги ёзувни излаш ва кўчирмалар олишда:

Гаров реестридан ёзувларни излашга барча шахслар ҳақлидир. Излаш натижаларига кўра, гаров реестридан тасдиқланган кўчирма авториза-

ция тартиботидан ўтган шахсларга берилади.

Гаров реестрининг кредитор учун афзалликлари:

Гаров реестрини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйилган мулклар тўғрисидаги электрон ахборотлар ойнаси, деса бўлади. Бундай эълонлар тахтаси, яъни гаров реестридан исталган шахс www.garov.uz сайти орқали фойдаланиши мумкин. Бу эса гаровга қўйилган мол-мулкни кузатиб бориш ва ундан мақсадсиз фойдаланилишини чеклаш имконини беради.

Бир шахс ўз мулкни бир неча мажбурият таъминоти учун кўп марта гаровга қўйиши мумкин. Одатда кредиторлар қарздорнинг мулки бошқа жойда ҳам гаровда эканлигидан беҳабар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кредитор гаров реестри базасидан таъминот сифатида қабул қилинаётган мол-мулк гаров сифатида фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни қисқа муддатда олиш имкониятига эга бўлади.

Гаров реестри кредиторларда таваккалчилик даражасини пасайтиришга ҳамда тадбиркорлик субъектларини мулк гарови остида кредитлаш имконияти кенгайтишига, шунингдек, нияти бузуқ қарздорнинг (гаровга қўювчининг) гаровдаги мол-мулкни сотиш имкониятларини чеклаган ҳолда кредитор ва холис сотиб олувчилар манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Қарздор ўз мажбуриятларини муддатида бажармаган тақдирда, кредиторлар ўртасида қарзни ундириш кетма-кетлигини аниқлаш масаласи пайдо бўлиши табиий. Шу каби ҳолатларда гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кредиторнинг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

2019 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайти-



Гаров реестри кредиторларда таваккалчилик даражасини пасайтиришга ҳамда тадбиркорлик субъектларини мулк гарови остида кредитлаш имконияти кенгайишига, шунингдек, нияти бузуқ қарздорнинг (гаровга қўйувчининг) гаровдаги мол-мулкни сотиш имкониятларини чеклаган ҳолда кредитор ва холис сотиб олувчилар манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

рилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан 11та қонун ҳужжати таъминот муносабатларида кредиторларнинг қарздор мулкига бўлган ҳуқуқлари устуворлиги, таъминот ҳисобидан талабларни қондириш ва бунда гаров реестрига ёзув киритган кредиторлар бир қатор имтиёзларга эга бўлиши белгиланиб, ушбу меъёрлар «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган юқоридаги нормага мувофиқлаштирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида қарздор томонидан кредиторлар олдидаги мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, таъминот ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати улар томонидан гаров реестрига тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритишнинг хронологик

тартибига (вақти ва санасига) мувофиқ қаноатлантирилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 348-моддасида тўловчи томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддат ичида тўланмаган тақдирда, божхона органи ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги божхона тўловлари бўйича қарзнинг суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилиши ҳамда божхона тўловлари бўйича қарз тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин мазкур ёзув гаров реестридан ўчирилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасига мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи бир кун ичида, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилганда ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида гаров реестрига ёзув киритилиши тўғрисидаги қўшимча киритилди.

”

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МИЛЛИЙ РАҚАМЛИ БАНК ОЧИЛАДИ

«ANOR BANK» АЖга банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди. Бу ҳақда Марказий банк ахборот хизмати хабар берди.



Унда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви Тошкент шаҳрида «ANOR BANK» акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказиш ва унга банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

Хабарларга кўра, «ANOR BANK» Ўзбекистондаги биринчи миллий рақамли банк бўлиши кутилмоқда.

Бунда мижоз банка бормайди, шунчаки барча хизматлар масофадан, онлайн равишда кўрсатилади. Бунда мижозга хизмат кўрсатиш туну-кун ишловчи контакт-марказ ёрдамида, масофавий каналлар орқали дунёнинг исталган нуқтасидан амалга оширилади. Шунингдек, банк офисига «боргис келиб қоладиган» мижозлар учун Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида мижозларга хизмат кўрсатиш маркази ҳам фаолият юритади.

Манба: <https://xabar.uz/iqtisodiyot/ozbekistonda-yangi-bank-ochiladi>.

Марказий банк ҳузуридаги «Гаров реестри» ДУК маълумотлар базаси Адлия вазирлигининг Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинди ва эндиликда кредит ташкилотлари гаров реестри сайти орқали Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олишлари ҳамда тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйишлари ва ечишлари мумкин.

Бундан ташқари, киритилган ўзгаришларда қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаров предмети қиймати йўқолмаслиги, унинг бегоналаштирилиши (ўғирланиши, талон-торож қилиниши) олдини олиш ва тезроқ сотиш каби мақсадларда ундирувни таъминот нарчасига суд буйруғи асосида қаратишнинг жорий этилиши кўрсатилган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни 64-моддасида бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан ипотека шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳамда тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустакил равишда амалга ошириши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси иккинчи қисмида ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятлар-

ни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозим, бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олиш чоғидаги ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномалар мустасно эканлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» ДУК маълумотлар базасини Адлия вазирлигининг маълумотлар базаси билан микромолиявий хизматлар бўйича гаровга қабул қилинган кўчар мулкка тақиқ қўйиш, ечиш ва мақомини текширишга оид кредит ташкилотларининг фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни назарда тутувчи интеграцияси амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунга мувофиқ, Марказий банк ҳузуридаги «Гаров реестри» ДУК маълумотлар базаси Адлия вазирлигининг Нотариатнинг ягона автомат-

лаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинди ва эндиликда кредит ташкилотлари гаров реестри сайти орқали Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олишлари ҳамда тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйишлари ва ечишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизimini тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 9 сентябрдаги 5816-сон Фармонига мувофиқ гаров реестри базаси Адлия вазирлигининг «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиниб, кредит ташкилотлари учун гаров реестри орқали мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш, шунингдек мулк тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганини текшириш имконияти туғилди.

Бугунги кунда гаров реестри Ички ишлар вазирлиги-

нинг «Техпаспорт+права» тизими ягона интеграллашган базасига интеграция қилинди ва кредит ташкилотлари учун гаров реестри сайти орқали Ички ишлар вазирлигининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан автомобилотранспорт воситалари ва уларга бириктирилган мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олиш ҳамда тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги автомобилотранспорт воситалари ва уларга бириктирилган мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш имкони пайдо бўлди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўт-

казиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 апрель ПҚ-4270-сон ҳамда «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг кўчмас мулк кадастр қўмитаси ягона интеграллашган базаси ва Марказий банк ҳузуридаги гаров реестри базаси ўртасида ўзаро онлайн ахборот айирбошлашни амалга ошириш бўйича текшириш имкониятлари яратилди.

ABSTRACTS

ADVANTAGES AND CONVENIENCE OF THE PLEDGE REGISTER AND ITS USE

This article discusses the Pledge Register established in the Republic of Uzbekistan, the availability of services through its official website, the conditions of its use, the ability to easily determine whether movable and immovable property is mortgaged, which is an important factor in the development of credit relations.

РЕКЛАМА



«Farg'onaazot» aksiyadorlik jamiyati
mehnat jamoasi yurtimiz ahlini
O'zbekiston davlat

Mustaqilligining 29 yillik
bayrami bilan

chin yurakdan muborakbod etadi!

Sizlarga tinchlik-omonlik, baxt-saodat,
xonadoningizga fayzu baraka tilaymiz!

Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo,
xalqimiz omon bo'lsin!

Mustaqilligimiz abadiy bo'lsin!

- 📍 150108 O'zbekiston Respublikasi,
Farg'ona sh., Sanoat k-si, 222.
- ☎ +998 (73) 242-63-90;
- ☎ +998 (73) 242-59-95;
- ☎ +998 (73) 242-66-42;
- ☎ +998 (73) 242-66-21
- ✉ info@azot.uz



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ВА МАДАДКОРИ

Андижон шаҳридаги «Ипотека-банк» АТИБ «Истиқлол» филиали жамоаси ўз фаолиятида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб келаётир. Натижада муассасанинг миқозлари сони кун сайин ортиб, ҳамкорлик қўлами кенгайиб борапти. Шунга монанд равишда филиалда янги хизмат турлари жорий этилмоқда, миқозларга қўлайликлар яратилмоқда.

Банк филиалида олиб борилаётган улкан ислохотлар унинг тез суръатларда ривожланишига, даромадларининг ошишига, янгидан-янги марраларни забт этишига имконият яратди.

Мухбиримиз «Ипотека-банк» АТИБ Андижон шаҳар «Истиқлол» филиали бошқарувчиси **Расулжон Баҳодирович Маҳмудов** билан жорий йилда банк филиали томонидан амалга оширилган ишлар ва келгуши режалар хусусида суҳбатлашди:

Бугун юртимизда тадбиркорликка бел боғлаганлар кўп. Албатта, бу жараёнда банк билан ҳамкорлик бирламчи аҳамиятга эга. Тадбиркор эса, энг аввало, ўзининг мақсад ва муаммосини тезда англайдиган, зарур бўлса, бизнес-режасини бойитиш учун жўяли маслаҳат бера оладиган ҳамда кредит ажратишни пайсалга солмайдиган банк ходимлари билан бирга ишлашни хоҳлайди.

– **Расулжон Баҳодирович, жорий 2020 йилда банк филиали томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз?**

– Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида филиал биноси капитал таъмирдан чиқарилди ва барча шарт-шароитларга эга замонавий кўриниш касб этди. Табиийки, банк хиз-

матлари сифати ҳам сезиларли даражада яхшиланди.

Банк филиали томонидан 2019 йилнинг 8 август ҳолатига 2262та юридик шахсга жами 79 млрд. 196 млн. 638 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 40 та хўжалик субъектига 22 млрд. 625 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 22 нафар жисмоний шахсга

ИПОТЕКА БАНК



56 млн. 865 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, филиал томонидан жорий йилда Андижон вилоятида балиқчиликни ривожлантириш учун интенсив усулда балиқ етиштириш мақсадида 12та мижозга жами 8 млрд. 200 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Андижон вилояти, Улуғнор туманидаги «Кобальт транс 1010» МЧЖга интенсив усулда балиқ етиштириш учун Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган ускуналар сотиб олиш мақсадида 1 млрд. 450 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 10та янги иш ўрни яратилган.

Андижон вилояти, Избоскан туманидаги «Қорадарё соҳили» хусусий соғломлаштириш пансионатига филиал томонидан интенсив усулда балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 820,0 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 10та янги иш ўрни яратилди.

Ажратилган кредитлар эвазига жами 250та янги иш ўрни яратилган.

– **Банк филиали томонидан жорий йилда ажратилган**



**Расулжон Маҳмудов,
«Ипотека-банк» АТИБ
Андижон шаҳар
«Истиқлол» филиали
бошқарувчиси**

**ипотека кредитлари тўғрисида
сўзлаб берсангиз.**

– «Ипотека-банк» АТИБ «Истиқлол» филиали томонидан жорий йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 ноябрдаги 3350-сонли қарорига асосан куриб фойдаланишга топширилган кўп квартирали уйлardan 121 нафар фуқарога 25 млрд. 269 млн. 121 минг сўм миқдоридида имтиёзли ипотека кредити ажратилган.

– **Банк филиали томонидан терминаллар, пластик карталар, банкоматлар, инфокиоск-**

лар ва мижозларга кўрсатиладиган бошқа банк хизматлари нималардан иборат?

– Пластик карталар орқали амалга оширилаётган ҳисобкитобларни кенгайтириш мақсадида қатор янгилар татбиқ этилган. Филиал бўйича 2300га яқин «НУМО» пластик карталари, 20 мингга яқин «UzCard» пластик карталари, 700 мингга яқин корпоратив пластик карталар муомалага чиқарилган. 260та «НУМО», 350та «UzCard» терминаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. 5та «НУМО» ва 4та «UzCard» банкоматлари ҳамда 1та инфокиоск халқ хизматида. Филиал банкоматларида хорижий валюта (АҚШ доллари) олди-сотди амалиётларини амалга ошириш йўлга қўйилган.

Филиал томонидан тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, инновацион банк хизматларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши баробарида ҳудудларнинг янада тараққий этишига замин яратмоқда. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлар билан алоқаларни ривожлантириш, истиқболли кредит линияларини кенг жалб этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, бу истиқболли кредит линиялари натижасида иқтисодийимиз ривожини учун муҳим бўлган турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳудудларнинг жадал суръатларда тараққий этишига хизмат қилаётганини қайд этиш даркор.

**Ҳамдам Аминов
суҳбатлашди.**



ЗАРУБЕЖНЫЙ И ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ ОПЫТ ПОДДЕРЖКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ COVID-19



Сергей Воронин,
д.э.н., главный специалист
Института бюджетно-налоговых исследований
при Министерстве финансов Республики Узбекистан



Дарья Угай,
ведущий специалист

Глобальное распространение в 2020 г. коронавирусной пандемии и принятые правительства вынужденные ограничительные меры по ее сдерживанию негативно сказались на развитии мировой экономики.

По июньским оценкам МВФ, рост мировой экономики в 2020 г. прогнозируется на уровне «-4,9%», что на 1,9 п.п.

ниже апрельского 2020 г. прогноза. При этом в странах с развитой экономикой в 2020 г. рост реального ВВП может со-

кратиться на 8% (Германия – на 7,8%, Франция – 12,5%, Соединенное Королевство – 10,2%, Канада – 8,4%, Япония – 5,8%). В странах с формирующимся рынком и в развивающихся странах падение данного показателя прогнозируется на уровне 3,0% (Индия – 4,5%, Россия – 6,6%, Бразилия – 9,1%, Мексика – 10,5%, Южная Африка – 1,0%). В то же время, для отдельных стран прогнозируется экономический рост (Китай – 1,0%)¹.

Эксперты Всемирного банка в своем июньском прогнозе также прогнозируют спад в мировой экономике в 2020 году (5,2%). Этот спад станет самым глубоким со времен Второй мировой войны. В странах с раз-

¹ Перспективы Развития мировой экономики (ПРМЭ). Июнь, 2020. (Обращение от 25.08.2020г.). URL: <https://www.imf.org/ru/Publications/WEO/Issues/2020/06/24/WEOUpdateJune2020>.

витой экономикой ожидается спад экономической активности на 7%, в странах с формирующимся рынком и в развивающихся странах – прогнозируется спад на 2,5%². В экономике США ожидается сжатие на 6,1%, в зоне евро – 9,1%, Японии – 6,1%.

В странах Европы и Центральной Азии, по оценкам Всемирного банка, спад экономики прогнозируется на уровне 4,7%, за исключением Узбекистана, где ожидается экономический рост в размере 1,5%. Этот прогноз составлен исходя из предположения о постепенной отмене введенных правительствами ограничительных мер к началу второго полугодия 2020 года. Особенно сильное негативное влияние пандемии испытывают домашние хозяйства и предприниматели с низкими доходами, в частности – индивидуальные предприниматели.

В целях поддержки деятельности хозяйствующих субъектов в условиях карантинных ограничений во многих странах мира были приняты меры по поддержке их деятельности³.

В Казахстане индивидуальные предприниматели, работающие на общеустановленном порядке налогообложения, до конца 2020 г. освобождены от индивидуального подоходного налога, снижены ставки до 0% по налогу на имущество в сфере туризма, общественного питания и гостиничных услуг. Предусмотрена отсрочка по социальным платежам (меры и ссылки на источники по этой и другим странам приведены в Таблице).

В Республике Беларусь индивидуальные предприниматели, перешедшие на упрощенный порядок налогообложения, могут получить зачет или возврат суммы единого налога за

период с 1 апреля по 31 декабря 2020 г. в случае временной приостановки предпринимательской деятельности.

В Российской Федерации приостановлено проведение налоговых проверок, продлены сроки сдачи отчетности, приостановлены меры взыскания долгов (начисление штрафов и пени). Уплата ряда налогов (налог на прибыль, налог по патентной системе, а также авансовые платежи по налогу на транспорт, налог на имущество, земельный налог и др.) для ИП переносятся от 4 до 6 месяцев со II квартала т.г. на более поздний период. Предоставлены отсрочки по уплате страховых взносов (в пределах лимита и срока отсрочки). Однако для самозанятых отсрочки по НДС, НДФЛ, налогу на добычу полезных ископаемых (НДПИ) и профессионального налога не предусмотрены.

В странах Европы и Центральной Азии, по оценкам Всемирного банка, спад экономики прогнозируется на уровне 4,7%, за исключением Узбекистана, где ожидается экономический рост в размере 1,5%.

² ВБ снизил прогноз по росту ВВП Узбекистана. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/09/outlook/>.


³ Налоговые, правовые и экономические меры в ответ на COVID-19. Информационный портал PWC. <https://www.pwc.com/gx/en/services/tax/navigate-the-tax-measures-in-response-to-covid-19.html>.

Таблица

Налоговые меры по поддержке индивидуальных предпринимателей в разрезе отдельных стран в ответ на последствия коронавирусной инфекции

№	Страна	Налоговые меры по поддержке индивидуальных предпринимателей
1	Казахстан	<ul style="list-style-type: none"> ● Индивидуальные предприниматели, работающие в общеустановленном порядке налогообложения, до конца года освобождены от индивидуального подоходного налога. ● Снижены ставки до 0% по налогу на имущество для ИП при осуществлении предпринимательской деятельности в сфере туризма, общественного питания и гостиничных услуг. ● Предусмотрена отсрочка по социальным платежам до 1 июня 2020 года.
* Постановление Правительства Республики Казахстан от 20 марта 2020 года №126 «О мерах по реализации Указа Президента Республики Казахстан от 16 марта 2020 г. №287 "О дальнейших мерах по стабилизации экономики"».		
2	Беларусь	Индивидуальные предприниматели, перешедшие на упрощенный порядок налогообложения, имеют право на проведение зачета или возврата единого налога с 1 апреля по 31 декабря 2020 года в случае временной остановки предпринимательской деятельности. Продолжительность остановки деятельности должна превышать 30 календарных дней.
* Указ Президента Республики Беларусь №143 от 24.04.2020 г. «О поддержке экономики».		
3	Россия	<ul style="list-style-type: none"> ● Приостановление проверок до 30 июня включительно. ● Продлены сроки сдачи отчетностей и предоставления документов по требованию. ● Приостановлены меры взыскания (начисление штрафов и пени) до 1 июля 2020 г. ● Уплата налогов (налог на прибыль, налог по патентной системе, а также авансовые платежи по налогу на транспорт, налог на имущество, земельный налог и др.) для ИП переносятся от 4 до 6 месяцев со II квартала т.г. в зависимости от режима налогообложения и вида налогов. Отсрочка по НДС, НДФЛ, налогу на добычу полезных ископаемых (НДПИ) и профессионального налога для самозанятых не предусмотрена. ● Отсроченные страховые взносы (период отсрочки до 4 месяцев), исчисленные с суммы дохода ИП, превышающей 300 000 рублей, подлежат уплате не позднее 1 июля 2020 года.
* Меры поддержки бизнеса. Информационный портал Федеральной налоговой службы Российской Федерации. URL: https://www.nalog.ru/rn77/business-support-2020/#t11 .		
4	Германия	Отсрочки без начисления пени и штрафов по всем установленным налогам для ИП с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности по исполнению налоговых обязательств до конца 2020 г.
* Налоговые меры по поддержке бизнеса, пострадавшего от последствий коронавирусной инфекции. Информационный портал Министерства финансов Германии. URL: https://www.bundesfinanzministerium.de/Content/EN/Standardartikel/Topics/Priority-Issues/Corona/2020-03-20-Tax-measures-to-assist-businesses.html .		
5	Франция	<ul style="list-style-type: none"> ● Отсрочки без начисления пени и штрафов по всем регламентированным налогам и социальным платежам для ИП с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности по исполнению налоговых обязательств до 3-х месяцев. ● Снижение ставки НДС до 5,5% (стандартная 20%) для производителей медицинских, гигиенических средств (маски, защитная одежда, средства на основе спиртовых растворов и др.). ● При вышеупомянутых условиях ИП вправе запросить сумму уплаченных налогов в 2020 г., за исключением НДС (возврат предусмотрен при определенных условиях упрощенного режима).
* Налоговые изменения в ответ на последствия COVID-19 во Франции. Информационный портал KPMG. URL: https://home.kpmg/xx/en/home/insights/2020/04/france-tax-developments-in-response-to-covid-19.html .		
6	Китай	Отсрочки по налогам для ИП с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности по исполнению налоговых обязательств с мая до конца 2020 г.
* Налоговые меры в ответ на последствия COVID-19 в Китае. Информационный портал PWC. URL: https://www.pwc.com/gx/en/Services/tax/ .		
7	Чехия	Остановка начисления штрафов и пени с марта по август 2020 г. и отсрочка по платежам в пользу медицинского страхования до 21 сентября 2020 г.
* Налоговые изменения в ответ на последствия COVID-19 в Чехии. Информационный портал KPMG. URL: https://home.kpmg/xx/en/home/insights/2020/04/czech-republic-tax-developments-in-response-to-covid-19.html . Меры, принятые Правительством Чехии. Информационный портал Правительства Чехии. URL: https://www.vlada.cz/en/media-centrum/aktualne/measures-adopted-by-the-czech-government-against-coronavirus-180545/ .		
8	Эстония	Освобождение от авансовых платежей по социальному налогу. ИП вправе совершить возврат по уплаченным авансовым платежам в 2020 г.
* Информация в условиях чрезвычайной ситуации в Эстонии. Информационный портал Налогово-таможенного департамента Эстонии. URL: https://www.emta.ee/eng/etcsb-information-emergency-situation .		
9	Венгрия	<ul style="list-style-type: none"> ● Освобождение от уплаты фиксированных ежемесячных платежей по режиму КАТА с марта по июнь 2020 г. только для ИП, занимающихся перевозкой пассажиров. ● Ускорение возврата НДС от 20 до 30 дней (стандартный период 75 дней).
* Налоговые изменения в ответ на последствия COVID-19 в Венгрии. Информационный портал KPMG. URL: https://home.kpmg/xx/en/home/insights/2020/04/hungary-tax-developments-in-response-to-covid-19.html .		

Источник: Меры поддержки деятельности индивидуальных предпринимателей датированы 20.07.2020 г.



В **Германии** также индивидуальным предпринимателям предоставлены отсрочки (без начисления пени и штрафов) по всем установленным налогам для ИП с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности по исполнению налоговых обязательств до конца 2020 г.

Во **Франции** для ИП установлены отсрочки по всем регламентируемым налогам и социальным платежам с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности по исполнению налоговых обязательств до 3-х месяцев. В случае трудностей ИП вправе запросить сумму уплаченных налогов в 2020 г., за исключением НДС. Возврат предусмотрен только для ИП, использующих упрощенный режим налогообложения.

В **Чехии** налоговыми органами приостановлено начисление штрафов и пени в период с марта по август 2020 г. и введена отсрочка платежей в пользу медицинского страхования до 21 сентября 2020 года.

В **Венгрии** индивидуальные предприниматели освобождены

от уплаты ежемесячных фиксированных налогов по режиму КАТА с марта по июнь 2020 г. (только для сферы перевозки пассажиров), в Эстонии ИП освобождены от авансовых платежей по социальному налогу, и они могут вернуть выплаченные в 2020 г. средства по налоговым платежам, в Китае для ИП предоставлены отсрочки по исполнению налоговых обязательств с мая до конца 2020 г. с учетом обоснования неплатежеспособности и несостоятельности предприятий.

Таким образом, в исследуемых странах, за исключением государств-членов ЕАЭС, основной упор пакета мер по поддержке деятельности индивидуальных предпринимателей направлен на поддержание их ликвидности путем предоставления единовременных выплат. В то же время освобождение от налогов или снижение ставок по регламентируемым налогам практически не применялись. Наблюдается широко распространенная тенденция по применению отсрочек по всем видам налоговых платежей без начисления штрафов и пени.

Экономика Узбекистана также не смогла избежать негативного воздействия коронавирусной пандемии и вынужденных ограничений, что также негативно сказалось на деловой активности бизнеса, в том числе индивидуальных предпринимателей. Поэтому в целях поддержки малого бизнеса государством был принят ряд мер налогового стимулирования.

Так, в соответствии с Указом Президента от 19.03.2020 г. №УП-5969 на период с 1 апреля до 1 октября 2020 г. для ИП минимальная сумма социального налога снижается до 50% от БРВ в месяц (пункт 5-а), предоставление декларации о совокупном годовом доходе физических лиц за 2019 г. продлевается до 1 августа 2020 года, срок уплаты налога на имущество и земельного налога физических лиц продлен до 15 октября 2020 года, а также с 1 апреля 2020 г. освобождены от налогообложения доходы физических лиц, получаемые в виде материальной выгоды от благотворительных организаций.

ЦЕНТРОБАНК – ДОХОДЫ У 56% УЗБЕКИСТАНЦЕВ СНИЗИЛИСЬ НА ФОНЕ ПАНДЕМИИ

Аналитики Центрального банка подвели результаты опроса о влиянии Covid-19 на доходы узбекистанцев.



Опрос показал, что у 56% опрошенных семей снизились доходы, у 21% – они не изменились, однако 15% – остались без доходов, 7% – не ответили на этот вопрос, а оставшиеся 2% заявили о росте доходов.

Что касается сбережений, то у 48% опрошенных семей сбережения уменьшились, 28% – остались без средств, у 14% – ничего не изменилось, 7% – не ответили, а оставшиеся 3% заявили о росте сбережений.

В отчете Центробанка отмечается, что средний размер дохода с начала года по стране на душу населения составил 5,2 млн. сумов.

В разрезе регионов опрос выявил следующую картину: в Ташкенте, Навоийской, Бухарской и Ташкентской областях уровень дохода оказался выше

Кенгашам народных депутатов районов и городов рекомендовано снизить на 30% фиксированные суммы налога на доходы для индивидуальных предпринимателей, деятельность которых напрямую или косвенно зависит от сферы туризма, предоставлять хозяйствующим субъектам на 6 месяцев отсрочку (рассрочку) по уплате налога на имущество, земельного налога и налога за пользование водными ресурсами без взимания процентов. Налоговые органы приостановили до 1 октября 2020 года начисление пени по ресурсным налогам хозяйствующим субъектам, испытывающим временные трудности, а также не принимают меры принудительного взыскания налоговой задолженности.

Согласно Указу Президента от 3.04.2020 г. №УП-5978 приостанавливается начисление фиксированной суммы НДС и социального налога для индивидуальных предпринимателей, которые вынужденно приостановили свою деятельность на период карантинных мероприятий (Пункт 5 Указа). Микро-

фирмам, малым предприятиям и ИП, у которых имеет место сокращение выручки от реализации продукции более чем на 50% по сравнению со среднемесячным за первый квартал текущего года, предоставлено право на беспроцентную отсрочку (рассрочку) сроком до 1 октября 2020 года следующих налогов (Пункт 6 Указа):

- ◆ налога с оборота, налога на имущество, земельного налога, налога за пользование водными ресурсами – с последующей уплатой равными долями в течение 12 месяцев;

- ◆ социального налога – с последующей уплатой равными долями в течение 6 месяцев.

Кроме того, введен мораторий сроком до 1 октября 2020 года на инициирование процедур банкротства и объявления банкротом предприятий, столкнувшихся с финансовыми затруднениями в связи с действием ограничительных мер (пункт 15 Указа), приостанавливается начисление и взыскание арендных платежей за использование государственного имущества субъектами предпринимательства (пункт 15 Указа).



Фото: УИА

В соответствии с Указом Президента от 27.04.2020 г. №УП-5986 физическим лицам предоставлено право на беспроцентную отсрочку по уплате налога на доходы физических лиц, полученные от сдачи в аренду жилых помещений физическим лицам и нежилых помещений субъектам предпринимательства, деятельность которых была приостановлена в период коронавирусной пандемии. Им предоставляется отсрочка по уплате НДС равными долями в срок до 1 апреля 2021 года (пункт 1-в). Срок предоставления беспроцентной отсрочки (рассрочки) по уплате налогов на упрощенной основе для микрофирм, малых предприятий и ИП (налог с оборота, ресурсные налоги и социальный налог) продлевается до 31 декабря 2020 года (пункт 5 Указа). Органы государственной власти на местах получили право самостоятельно определять срок, в течение которого будет уплачиваться отсроченная сумма данных налогов и сборов.

В соответствии с Указом Президента от 18.05.2020 г.

- ◆ допускается привлечение организациями граждан, имеющих статус самозанятых, к деятельности по оказанию услуг и выполнению работ на договорной основе. При этом оплата труда указанных граждан не является объектом исчисления единого социального платежа;

- ◆ с 1 июля 2020 года регистрация самозанятых лиц

осуществляется в уведомительном порядке через специальное мобильное приложение либо персональный кабинет налогоплательщика с выдачей матричного штрихового кода (QR-код), удостоверяющего факт регистрации в качестве самозанятого, с отменной порядка выдачи временных трудовых удостоверений.

Также самозанятым лицам, оказывающим услуги (выполняющим работы) через сеть Интернет (фрилансинг) предоставляется право:

- принимать от физических и юридических лиц – нерезидентов из-за рубежа оплату в иностранной валюте за оказанные услуги (выполненные работы) на счета в банках Республики Узбекистан без внесения соответствующей информации в Единую электронную информационную систему внешнеэкономических операций;

- оказывать услуги (выполнять работы) иностранным физическим и юридическим лицам

без заключения контракта путем принятия публичного предложения о соглашении (оферты) или обмена электронными сообщениями либо выставлением счетов-фактур (инвойс), в том числе в электронном виде.

Самое важное при этом то, что оплата труда указанных граждан не является объектом исчисления единого социального платежа и что доходы, полученные в результате трудовой деятельности в порядке самозанятости, не облагаются налогом на доходы физических лиц.

Одной из особенностей рынка труда в Узбекистане является быстрое увеличение трудовых ресурсов, относительно грамотная рабочая сила и высокий уровень неформальной занятости. В результате принимаемых мер по сокращению неформальной занятости за последние пять лет ее уровень в республике снизился с 59,5% до 56,2%, а доля занятости в формальном секторе экономики увеличи-

⁷ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №1011 от 22.12.2017 г. «О совершенствовании методики определения численности населения, нуждающегося в трудоустройстве, включая методику обследования домохозяйств по вопросам занятости, а также разработки баланса трудовых ресурсов, занятости и трудоустройства населения».

лась с 40,5% до 43,8% соответственно (Таблица 1).

При этом необходимо отметить, что высокие темпы прироста населения (550 тыс. человек в год) и ежегодный приток населения трудоспособного возраста (350 тыс. человек) усиливают давление на рынок труда и превращают задачу трудоустройства населения в актуальную, ключевую проблему на долгосрочную перспективу в социально-экономическом развитии страны.

Согласно «Методике расчета незанятого населения, нуждающегося в трудоустройстве, и разработке баланса трудовых ресурсов, занятости и трудоустройства населения Республики Узбекистан» занятия делятся на три сектора:

- ❖ в официальном секторе;
- ❖ в неформальном секторе;
- ❖ выехавшие на работу за рубеж.

В соответствии с действующими и международными правилами, граждане, выехавшие на заработки за границу (2460,2 тыс. человек), не должны быть включены в список неформальной занятости, и исходя из этого ее уровень в Узбекистане в 2019 году со-

ставлял 5368,8 тыс. человек или 39,6% от всего занятого населения в экономике.

В 2019 году наибольшая доля неформальной занятости по секторам экономики приходилась на сельское, лесное и рыбное хозяйство – 31,6%, строительство – 13,8%, торговлю – 12,7% и промышленность – 10,9%.

Одним из важных факторов, влияющих на уровень неформальной занятости, является уровень образования населения: чем он выше, тем меньше уровень неформальной занятости. В частности, тот факт, что из всех неформально занятых в стране 61,1% составляют люди со средним специальным образованием, 32,1% – с общим средним образованием, 6,8% – с высшим образованием, подтверждает вывод МОТ о роли высшего образования в неформальной занятости.

Практика показывает, что в большинстве случаев категории населения, не способные защитить свои интересы и не знающие своих прав, являются объектами неформальной занятости.

Анализ опыта стран по переходу к формализации показывает, что необходимо развивать

стимулы различными способами, в основном путем повышения экономического потенциала, усовершенствования норм и правил, улучшения правовых систем и внедрения инструментов правоприменения.

Экономический рост играет важную роль в переходе неформальной занятости в формальный сектор, поскольку устойчивое экономическое развитие, в свою очередь, даст возможность предсказуемости рынка труда и роста долгосрочных трудовых договоров, а также значительного увеличения официальной занятости. Структурные изменения приведут к сокращению лиц, неофициально получающих заработную плату, и росту числа официально занятых работников, расширению и повышению производительности экономических единиц, что немаловажно в переходе неформальной занятости в формальный сектор.

Также следует отметить, что в рамках реализации мер по реформированию системы здравоохранения в республике для дальнейшего совершенствования системы оказания медицинской помощи населе-

Таблица 1

Основные показатели рынка труда Узбекистана, тыс. чел.

Показатели	2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.	2019 г.	1-п.г. 2020 г.
Всего занятые в экономике	13 058,3	13 298,4	13 520,3	13 273,1	13 541,1	12 736,6
Трудовые ресурсы	18 276,1	18 488,9	18 666,3	18 829,6	19 007,8	19 084,6
Экономически активное население	13 767,7	14 022,4	14 357,3	14 641,7	14 876,4	14 680,6
Безработные	709,4	724,0	837,0	1 368,6	1 335,3	1 944,0
Уровень безработицы, %	5,2	5,2	5,8	9,3	9,0	13,2
Занятые в формальном секторе экономики	5 294,9	5 338,8	5 280,6	5 403,0	5 712,1	5 581,1
Занятые в неформальном секторе экономики*	7 763,4	7 959,6	8 239,7	7 764,6	7 829,0	7 155,5
Доля занятых в неформальном секторе от всего занятого населения*	59,5	59,9	60,9	58,5	57,8	56,2

* С выехавшими на работу за рубеж.

Источник: разработана автором на основе данных Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан.

Таблица 2

Основные показатели рынка труда Узбекистана, тыс. чел.

Методы	Инструменты (меры)
Создание условий для регулирования	Формирование конкурентной среды на рынке труда. Создание необходимых рабочих мест, инфраструктурные решения. Повышение доступности кредитных ресурсов для малого и среднего бизнеса. Повышение правовой и финансовой грамотности в сфере занятости.
Анализ, оценка масштаба и тенденций	Анализ действующих нормативно-правовых актов и выявление факторов, побуждающих субъектов занятости уходить в теневую сектор экономики. Создание условий, при которых быть «формальнозанятым» выгоднее, чем «самозанятым», стимулирование формальной занятости в противовес неформальной.
Стимулирование	Создание среды для мотиваций и стимулов, побуждающих работодателей и работников осуществлять легальную деятельность в сфере занятости.
Оценка эффективности	Разработка и внедрение индикаторов и показателей оценки эффективности выполнения государственных программ, проектов и мероприятий, связанных с проблемой неформальной занятости в рамках «Дорожной карты» реализации мер по снижению доли «теневой экономики».

* Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №394 от 20.06.2020 г. «О мерах по снижению доли «теневой экономики» в Республике Узбекистан».

Источник: разработано автором.

нию, с 1 января 2021 года запланировано поэтапное внедрение обязательного медицинского страхования населения. В связи с этим для полного охвата населения обязательным медицинским страхованием, обеспечения социального страхования, воспроизводства и поддержания здоровья рабочей силы требуется принять необходимые комплексные меры по снижению неформальной занятости населения⁸.

Для системного регулирования неформальной занятости считаем целесообразным реализовать следующие меры, которые в настоящее время не реализуются или используются недостаточно (Таблица 2).

Переход к цифровой экономике в Узбекистане обеспечит эффективность, действенность и прозрачность деятельности государственных органов, повысит их ответственность и дисциплину исполнения, обмен информацией с общественностью и бизнесом. Также реализуются меры по интеграции с системами и базами данных заинтересованных ведомств посредством межведомственного аппаратно-программного комплекса «Единая национальная система труда» с целью сбора посредством единой системы необходимых сведений за период до 1 января 2020 года, а также цифровизации сведений для обес-

печения полноценной работы данной системы⁹.

Развитие цифровой экономики, расширение использования ИКТ в экономике и обществе в целом создает экономику, основанную на знаниях, которая придаст новый импульс социально-экономическому развитию страны, что будет способствовать обеспечению социального благополучия общества. В результате будет достигнут устойчивый и всеохватывающий экономический рост на основе повышения производительной занятости и достойного труда для мужчин и женщин, что предусмотрено в национальных целях и задачах в области устойчивого развития на период до 2030 года¹⁰.

ABSTRACTS

REGULATION OF INFORMAL EMPLOYMENT IN UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF THE DIGITALIZATION OF THE ECONOMY

According to the authors of this article, the most urgent problem in the world economy today is the task of reducing informal employment and providing the population with decent work, since the high level of informal employment has a significant negative impact on the socio-economic development of the country and the welfare of the population. Social protection (protection of labor rights, benefits) is not carried out, there is no receipt of revenues in the state budget, pension and insurance funds.

⁸ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года №5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

⁹ Указ Президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики».

¹⁰ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 от 20.10.2018 г. «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года».

ПАРТИСИПАТОР БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бунёджон Кобилов,
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
хузуридаги Бюджет-солиқ
тадқиқотлари институти
етакчи мутахассиси

Партисипатор бюджетлаштириш дастурлари фуқароларга давлат харажатларига бевосита аралаштиришга имкон беради, бу эса ҳукуматнинг мавжуд манбалари ва фуқароларнинг қарор қабул қилиш ваколатини амалга ошириш қобилияти ўртасида яқин муносабатни келтириб чиқаради.

Фуқаролар давлат бюджетининг маълум қисмини тақсимлашда бевосита қатнашадиган жараён сифатида партисипатор бюджетлаштириш ҳукумат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг янгича замонавий ёндашуви ҳамдир.

Партисипатор бюджетлаштириш ҳозирда дунё бўйлаб ҳукуматнинг барча даражаларида, жумладан шаҳарлар, туманлар, округлар, штатлар ва миллий ҳукуматларда мавжуд бўлиб, туман ва шаҳарларда кенг тарқалган. Партисипатор бюджетлаштириш бюджет тузишда бюджетлаштиришга тўғридан-тўғри демократик ёндашувни аниқлатади. Бу фуқароларга ҳукумат фаолияти тўғрисида маълумот олиш, мунозара қилиш ва жамоат ресурсларини тақсимлашга таъсир кўрсатиш имкониятини тақдим этади.

«Партисипатор» сўзи – инглиз тилида «participate» – «ташаббусли ёки фаол иштирок этиш»¹ деган маънони англатади.

Партисипатор бюджетлаштириш (ингл. «participatory budgeting») – бу фуқароларнинг ташаббусларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларининг бир қисмини

тақсимлаш ва бу маблағларни сарфлаш йўналишларини танлаш бўйича уларнинг бевосита иштирокида қарорларни қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини кузатиш амалиётидир².

Жамият иштирокининг ушбу шаклида асосий эътибор маҳаллий молиявий сиёсатга

Партисипатор бюджетлаштириш (ингл. «participatory budgeting») – бу фуқароларнинг ташаббусларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлаш ва бу маблағларни сарфлаш йўналишларини танлаш бўйича уларнинг бевосита иштирокида қарорларни қабул қилиш, шунингдек қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини кузатиш амалиётидир.

¹ Dictionary of Banking and Finance, Third edition, A & C Black Publishers Ltd 2005, 253 p.

қаратилади. Давлат маблағларини тақсимлаш иқтисодий сиёсатнинг асосий воситаси бўлиб, унда ресурсларнинг тақсимланиши ва шу тариқа ҳокимиятнинг тузилиши аниқланади. Бюджетни тузишда оддий фуқароларнинг иштироки давлат бошқарувининг ушбу марказий секторини янада шаффоф қилади ва ижтимоий адолатга эришиш ва ҳақиқий эҳтиёжларни қондириш учун давлат харажатларини тузишга йўналтирилган. Бундан ташқари, маблағларни тақсимлаш бўйича музокара-лар жараёни фуқароларнинг демократия тушунчасини кучайтиради ва фуқаролик жамиятида фаол иштирок этишга тайёрлигини оширади.

Партисипатор бюджетлаштириш (кейинги ўринларда – ПБ) ёрдамида фуқаролар ресурсларни тақсимлаш, ижтимоий сиёсатни устуворлаштириш ва давлат харажатларини назорат қилиш имкониятига эга. Бу фақат йирик шаҳарлар учун мураккаб жараён каби туюлиши мумкин, аммо ҳар қандай маҳаллий ҳокимият, аҳолиси қанча бўлишидан қатъи назар, партисипатор бюджетлаштиришни амалга ошириши мумкин.

ПБ учта асосий мақсадни кўзлайди:

- **Шаффофлик:** фуқароларга жорий бюджет тўғрисида ва бюджетни режалаштиришнинг аниқланган элементлари тўғрисида маълумот берилади. Жараёни шаффофлаштириш маблағлар самарасиз ёки нотўғри ишла-

Партисипатор бюджетлаштириш ёрдамида фуқаролар ресурсларни тақсимлаш, ижтимоий сиёсатни устуворлаштириш ва давлат харажатларини назорат қилиш имкониятига эга.

тилишининг олдини олишга ёрдам беради.

- **Жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳада фуқароларнинг иштироки ва/ёки биргаликда қарор қабул қилиш:** маъмурлар, сиёсатчилар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади ва фуқаролар муҳим маъмурий ҳаракатлар тўғрисида кўпроқ хабардор бўлишади.

- **Давлат харажатлари фуқароларнинг манфаатларига кўпроқ мос келади:** жамоат иштирокчилари учун маъмурлар давлат маблағларини амалдаги эҳтиёжларга мувофиқ қандай сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва адолатли тақсимлаш учун бюджет устуворликларини қайта кўриб чиқиши мумкин.

ПБнинг афзалликлари куйидагиларда намоён бўлади:

Фуқаролар учун:

- ◆ Фуқаролар ва ҳокимият ўртасидаги мулоқот иккала томонни ҳам демократияга мойил қилади.

- ◆ Жамиятни бюджетни режалаштиришга жалб қилиш уларнинг фаол, танқидий, талабчан ва масъулиятли аъзолари сифатидаги ролини оширади.

- ◆ Фуқаролар биргаликда қабул қилинган қарорлар қандай амалга оширилишини кузатадилар. Маъмуриятни жавобгарликка тортиш уни замонaviйлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин.

- ◆ Жамиятнинг иштироки бюджет устуворликларини



² Г. Хачатрян, И. Шульга, С. Гридин, А. Сухова / Особенности Программы поддержки местных инициатив Всемирного банка как практики инициативного бюджетирования / Аналитическая записка, Октябрь, 2016 г.

ни қайта кўриб чиқишга олиб келади, натижада қисқа вақт ичида турмуш даражаси яхшиланади.

◆ ПБ ижтимоий қайта қуриш ва ижтимоий адолатга эришишга ёрдам бериши мумкин.

Маҳаллий маъмурият учун:

■ Бюджет янада шаффоф бўлса, ундан янада унумли фойдаланилади ва маъмурларнинг ўз ишларига масъулиятлари ортади.

■ Фуқаролар ўзлари қабул қилган бюджет қарорларини қўллаб-қувватлайдилар.

■ Демократик маданият ва ижтимоий ҳамжиҳатликни кучайтиради.

■ Агар давлат маблағлари етишмаётган бўлса, жамоатчилик иштироки тежамкорлик чораларига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги масаласини кўтариши мумкин.

ПБни амалга оширишда вужудга келиши мумкин бўлган асосий муаммолар³

ҳам мавжуд, улар қуйидагилар:

1. Жараённинг мумкин бўлган мураккаблиги.

ПБни амалга ошириш жуда мураккаб бўлиши мумкин. Бу жараёни яратиш бир кунлик нарса эмас. Бирлаштириш учун вақт талаб этилади ва худудлар (маъмурият) бўйлаб бир нечта бўлимларнинг ҳамкорлигини талаб қилади. Бутун жараённинг муваффақияти фуқароларнинг бюджетлар қандай тақсимланиши ва овоз бериш тизими қандай ишлашини тушунишига ҳам боғлиқ. Бирмунча вақт ўтгач, фуқароларга барча маълумотларни ўзлаштиришга имкон бериш муҳимдир.

2. Манбалар (молиявий) етишмаслиги.

ПБни режалаштиришда муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири нафақат лойиҳани эркин ва тўлиқ амалга ошириш, балки белгиланган маблағларни сарфлаш учун етарли маблағларга эга бўлишдир.

3. Умидларни бошқариш.

Фуқароларнинг кутганларини адолатли ва ошқора бошқариш. Фуқаролар дастурнинг асл моҳиятини билишларини ва уларнинг иштироки ҳақиқатан ҳам таъсир қилиши мумкинлигини, адолатли бўлишини таъминлаш.

4. Давр (цикл)ни яратиш. Фуқароларнинг ишончига сазовор бўлиш ва шу билан биргаликда бюджетни шакллантиришни кучайтирувчи тушунчани шакллантириш учун уни бюджет жараёнининг ажралмас қисмига айлантириш. ПБни белгиланган жараёнга айлантириш фуқароларнинг фаоллигини оширишга ва вакиллик демократиясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ПБнинг жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, унинг келиб чиқиш тарихи Лотин Америкасига тўғри келади. У Бразилиянинг энг жанубий штати – Риу-Гранди-ду-Сулнинг пойтахти Порту-Алегри шаҳрида 1989 йилда биринчи марта қўлланилган ва классик амалиёт ҳисоб-

ланади. Янги конституцияга биноан, муниципалитетлар ўз молиявий манбаларини бошқариш учун етарли эркинликка эга. Ижро этувчи ҳокимият – мэр Депутатлар палатаси томонидан тасдиқланган бюджет лойиҳасини тайёрлаш учун жавобгардир.

ПБ амалиёти доирасида шаҳар 16 туманга бўлинган ва лойиҳаларни бошлаш, танлаш ва амалга ошириш учун 5та худуд аниқланган: транспорт; таълим, дам олиш ва маданият; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот; иқтисодий ривожланиш ва солиққа тортиш; шаҳар мухитини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Лойиҳа доирасида 16та минтақанинг ҳар бирида бешта мавзу бўйича иккита давра суҳбати ташкил этилади. Март ойида расмийлаштирилган умумий йиғилишларнинг биринчи тўлқини арафасида фуқаролар мумкин бўлган лойиҳаларни муҳокама қилишни бошлайдилар ва лойиҳа ғоялари илгари сурилади. Муниципалитет бу

Партисипатор бюджетлаштиришнинг жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, унинг келиб чиқиш тарихи Лотин Америкасига тўғри келади. У Бразилиянинг энг жанубий штати – Риу-Гранди-ду-Сулнинг пойтахти Порту-Алегри шаҳрида 1989 йилда биринчи марта қўлланилган ва классик амалиёт ҳисобланади.

жараёнга жалб қилинмаган. Шаҳар мэри иштирокида фуқаролар ва мэр вакиллари ўртасидаги учрашувларнинг биринчи цикли апрель ойида бўлиб ўтади. Ҳар бир вилоятнинг микрорайонларида бўлиб ўтадиган ушбу йиғилишларда ўтган йилдаги режаларнинг бажарилиши муҳокама қилинади, аҳолининг талаблари ва келгуси йил учун таклифлар шакллантирилиб, уларнинг муҳокамаси давом этадиган минтақавий ёки мавзули форумларга делегатлар сайланади.

Апрелдан июлгача ҳар бир худудда аҳолининг ва жамоат ташкилотларининг иштирокида норасмий учрашувлар ва

учрашувлар ўтказилиб, уларда минтақанинг эҳтиёжлари ва устуворликлари муҳокама қилинади, баҳоланади ва тартибланади.

Шаҳар мэри вакиллари ушбу ишда қатнашиб, ушбу рейтингни бошқа иккита мезон билан таққослайдилар: минтақада хизматларнинг ҳақиқий мавжудлиги ва аҳоли сони.

Кейин июль ойида минтақавий бюджет форумлари деб аталадиган йиғилишларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтади. Ушбу форумларда биринчи турда танланган делегатлар маҳаллалардаги йиғилишларда шакллантирилган устуворликлар рўйхатини бирлаштирадиган ва бутун

³ The Beginner's guide to Participatory Budgeting. An introduction to setting up participatory budgets in cities and local governments, 2019. CitizenLab.

1-жадвал

Порту-Алегри шаҳрида ПБни ташкил қилиш даражаси

Номланиши	Даражаси	Иштирокчилар таржиби	Вазифалари
Ассамблея	Кичик туман (микрорайон)	Барча аҳоли	Муҳим мунозара Делегацияни танлаш Мониторинг натижалари
Форум	Округ (туман) Шаҳар (мавзули форум)	Делегатлар	Уставорликларни танлаш Шаҳар муассасалари билан музокаралар Лойиҳани амалга ошириш мониторинги
Маслаҳат	Шаҳар	Делегатлар Маъмурият вакиллари	Жорий ва келгуси йилда инвестицияларни тақсимлаш қоидаларини аниқлаш Бюджет лойиҳасини келишиш ва мэрға топшириш

Манба: Бублик Н.Д., Лукина И.И., Фазлутдинов Р.А., Чувилин Д.В. Процедуры партисипаторного бюджетирования как основополагающего элемента концепции сбалансированных инициатив местных сообществ // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ». Том 8, №4 (2016).

минтақа учун устувор йўналишларни белгилайдилар. Барча фуқаролар кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилинади.

ПБ циклининг навбатдаги босқичи – Муниципал бюджет комиссиясини шакллантириш ҳисобланади. Ҳар бир минтақавий форумда ушбу комиссияга икки делегат, беш мавзули форумда яна иккита делегат сайланади.

Муниципал бюджет комиссияси ПБга ажратилган молиявий маблағларни шаҳар бўйлаб тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга. Июлдан сентябргача комиссия ҳар ҳафта йиғилади. Унинг мажлислари ва умуман ишлаши барча фуқаролар учун очиқдир. Комиссиянинг ўзи овоз бериш орқали келгуси йил

учун маблағларни ажратиш қоидаларини белгилайди, минтақавий ва мавзули форумлар томонидан таклиф этилган барча лойиҳаларни муҳокама қилади, уларни молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилади ва уларнинг бажарилишини назорат остига олади.

Сентябрь ойида бюджет комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар шаҳар ҳокимиятига юборилади ҳамда кўриб чиқилиб, тасдиқланганидан сўнг шаҳар кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Сентябрьдан декабргача комиссия ҳар бир минтақада инвестиция режалари бўйича ўз қарорларини қўллаб-қувватлаб, бюджет муҳокамаларида қатнашади.


Шуни алоҳида қайд этиш керакки, дунёдаги энг ривож-

ланган ва оммабоп бюджет модели Порту-Алегри модели бўлиб қолмоқда. Порту-Алегри тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар иштирокининг учта ташкилий даражасини юқоридаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Порту-Алегида ПБ цикли 11 ой давом этади ва март ойида тайёргарлик учрашувлари билан бошланади, апрель-июль ойларида кўплаб ассамблеялар ва фуқаролар билан учрашувлар ўтказилади, июль-сентябрь ойларида эҳтиёжлар ва бюджет тузилиши таҳлил қилинади. Сентябрь-октябрь ойларида бюджет тузилиши ва инвестиция режаси бўйича таклифлар киритилади. Ноябрь ойида якуний мунозаралар, декабрь-январда – дебатлар ва овоз бериш бўлиб ўтади⁴.

Европа мамлакатларида партисипатор бюджетлаштириш амалиёти, бир томондан, ижтимоий адолатни таъминлаш, иккинчи томондан, тўғридан-тўғри демократия анъаналарини тиклаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, коммунал хизматларни модернизация қилиш ва коррупцияга қарши курашга қаратилган.

⁴ Бублик Н.Д., Лукина И.И., Фазлутдинов Р.А., Чувилин Д.В. Процедуры партисипаторного бюджетирования как основополагающего элемента концепции сбалансированных инициатив местных сообществ // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ». Том 8, №4 (2016).



Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Порту-Алегри шахрида ПБ жараёнида иштирок этиш услугиёти нуқтаи назаридан фуқаролар иштироки самарадорлиги ҳали ҳам мустаҳкам ва барқарор ҳисобланади.

Амалиётнинг дастлабки икки йилида унда мингдан кам фуқаролар қатнашган бўлса, ҳозирги кунда ҳар йили тахминан 50 000 киши ПБ тадбирларида қатнашади. ПБнинг таъсирчан амалий натижалари Порту-Алегрида уни амалга оширишнинг дастлабки йилларида намоён бўлди. 1989–1998 йиллар орасида ичимлик суви таъминоти 80 фоиздан 98 фоизга ошди, канализация тизимидан фойдаланаётган аҳоли фоизи

деярли икки баравар, яъни 46 фоиздан 91 фоизгача кўпайди. Мактабга борадиган болалар сони икки баравар ошди. Бюджет маблағларидан, шу жумладан йиғилган солиқлардан фойдаланишнинг шаффофлиги солиқ йиғимининг 50%дан кўпроққа ошишига олиб келди. Порту-Алегри шахридаги ПБ муваффақиятининг яна бир натижаси шундаки, ушбу модель амалга оширила бошланганидан 10 йил ўтгач, у Бразилиянинг 80дан ортиқ шаҳарларида жорий қилинган ва ҳозирда у бутун дунёдаги минглаб муниципалитетлар томонидан фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда ушбу амалиётни Фарбий ва Шарқий

Европадаги 20дан ортиқ давлатлар муваффақиятли қўлламоқда. Европа мамлакатларида ПБ амалиёти, бир томондан, ижтимоий адолатни таъминлаш, иккинчи томондан, тўғридан-тўғри демократия аънаналарини тиклаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, коммунал хизматларни модернизация қилиш ва коррупцияга қарши курашга қаратилган.

Маҳаллий муаммоларни муҳокама қилиш ва молиялаштиришда фуқароларнинг бевосита иштирок этиши механизмларига эътибор қаратадиган бўлсак, ПБ бугунги кунда Париж, Мадрид, Лиссабон, Варшава сингари кўплаб

Европа мамлакатларида ПБ амалиётининг ривожланиши

Йиллар	ПБ амалиёти жараёни муддатлари
1994	Италиянинг Гротгамар шахрида партисипатор бюджетлаштириш амалиёти бошланган.
2001	Франция ва Испаниянинг муниципалетларида партисипатор бюджетлаштириш жорий этилган.
2002	Франция маҳаллий демократия тўғрисидаги қонунни қабул қилган.
2007	Ставрополь ўлкасида Россияда маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш дастури бошланган.
2008	Лиссабонда партисипатор бюджетлаштириш ишга туширилган.
2009	Польша Партисипатор бюджетлаштириш амалиётларини қўллаш учун «Қишлоқ фондлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилган.
2014	Париж бугунги кунда Европада партисипатор бюджетлаштиришнинг энг йирик амалиётини бошлаган.
2016	Португалияда дунёда биринчи миллий даражадаги партисипатор бюджетлаштириш амалиёти бошланган.

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

хорижий давлатларнинг пойтахтларида амалга оширилмоқда.

ПБнинг фаол ривожланиши ва миқёси 2000-йиллар бошидан буён Европада давом этмоқда (2-жадвал).

Ҳар бир мамлакатда партисипатор бюджетлаштириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, хорижий давлатларда ПБнинг ривожланиши 3-жадвалда келтирилган.

Хорижий мамлакатларда партисипатор бюджетлаштириш бюджетнинг очиқлиги сиёсатига интеграциялаш механизмлари ёрдамида амалга оширилади. Ижтимоий ному таносибликни камайтириш ва тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни таъминлаш учун муайян мақсадли гуруҳларни


(аёллар, ёшлар, муҳожирлар) жалб қилиш билан бир қаторда, лойиҳа марказлари ёки фуқаролар танлаган ғояларни амалга оширувчи ташкилотлар сифатида иш олиб борадиган нотижорат ташкилотларининг жалб қилиниши ҳам характерлидир. Хорижий давлатларда партисипатор бюджетлаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги алоқа канали сифатида Интернет тармоғидан фойдаланиш орқали аҳолининг қамрови ошиб бораётганлигидир.

Республикамызда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг мамлакатимиз

фуқаролари, инвесторлар ва ташқи фойдаланувчиларга сифатли етказилишида замонавий усуллар ва халқаро стандартларни қўллаш ҳамда бюджет очиқлигини ва шаффофлигини, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон қарорига асосан, «Очиқ бюджет» (www.openbudget.uz) ахборот портали ишга туширилди ва 2019 йилдан бошлаб туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбаларининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутувчи бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштироки – «Ташаббусли бюджет» жорий этилди.

Хорижий давлатларда партисипатор бюджетлаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги алоқа канали сифатида Интернет тармоғидан фойдаланиш орқали аҳолининг қамрови ошиб бораётганлигидир.



Европа мамлакатларида ПБ амалиётининг ривожланиши

Партиципатор бюджетлаштириш (ПБ)

Электрон ПБ

Бразилия. Рақамли технологияларга асосланган янги иштирокчиларни жалб қилиш усулларидан фойдаланган «бошланғич мамлакат» каторига киради. Белу-Оризонти (Belo Horizonte) шаҳри биринчилардан бўлиб электрон ахборот бюллетенларини юбориш орқали, оммабоп блогларда ва шаҳар туманларининг электрон саҳифаларида реклама жойлаштириш йўли билан ўз аҳолисини тўплади. Белу-Оризонти шаҳрида биринчи марта виртуал жараёни яратишга муваффақ бўлинди – аҳоли лойиҳаларни Интернет орқали танлашга қарор қилди. Ипатинга (Ipatinga) шаҳрида 2004 йилдан ПБга фуқароларни жалб қилиш учун мобил технологиялардан фойдаланиш бошланди.

Исландия. 2010 йилдан бери овоз бериш «Better Reykjavik» махсус веб-сайтида ва 2012 йилдан бери «Better Neighborhoods» веб-сайтида ўтказилиб, унда шаҳар аҳолиси шаҳар бюджетининг бир қисмини қандай сарфлаш ҳақида ўз фикрларини билдиради.

Жанубий Корея. 2007 йилдан бери Digital Budget and Accounting System (d-Brain) – реал вақт режимида давлат солиқ фаолиятини таҳлил қилиш тизими, шу жумладан бюджетлаштириш, бюджет ижроси ва ижро фаолиятини бошқариш тизими қўлланилмоқда.

Германия. ПБ амалга оширилмайдиган деярли барча аҳоли пунктларида Интернет асосий иштирок этиш канали сифатида ишлатилади.

Ижтимоий гуруҳларга йўналтирилган ПБ

Буёк Британия. «Women's Budget Group» деб номланган ташкилот аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланиши баробарида бюджетни шакллантиришда гендер тенглигини ҳисобга олади.

АҚШ. Америка лойиҳаси ПБдан Нью-Йоркдаги муҳожирилари ҳуқуқларини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишини ўз ичига олади. Муҳожирилари электорат аъзолари бўлмаганлиги сабабли, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш сайланган миллий ҳокимиятнинг устувор вазифаси эмас. Нью-Йорк шаҳар маъмурияти уларни ПБ воситаси орқали шаҳар жараёнларида қўшишга қизиқиш билдиришмоқда.

Хитой. 2005 йилда Хитойнинг миллий парламенти ПБ лойиҳасини амалга оширди, бунга Венлинг шаҳри ҳам қўшилди, бу ерда фуқаролар йиллик шаҳар бюджетини муҳокама қилишда қатнаша бошладилар. 2010 йилда ПБ механизми гендер нуктаи назаридан мослаштирилди. Мунозаралар иштирокчилари, айниқса аёллар, гендер тафовулар нуктаи назаридан бюджетни таҳлил қилиш ва тузиш, бюджет харajatлари самардорлигини ўлчаш, маблағлар эркаклар ва аёллар ўртасида қандай ва қай даражада тақсимланишини назорат қилиш бўйича махсус семинарларда ўқитила бошлади.

ПБ лойиҳаларида нотижорат ташкилотлари иштироки

Япония. 2003 йилда Ишикава (Ishikawa) шаҳрида йиғилган солиқларнинг 1%и нотижорат секторда лойиҳаларни амалга ошириш учун ПБ механизми орқали тақсимланган. Хар бир солиқ тўловчи Интернет орқали овоз бериш ҳуқуқига эга, у молиялаштирилмоқчи бўлинаётган учта нотижорат ташкилотларидан бирини танлаши мумкин.

Австралия. Мелвилль (Melville) шаҳрида лойиҳани синовдан ўтказиш бўйича тажриба ўтказилди, унга биноан танловда алоҳида фуқаролар ва ташаббускор гуруҳлардан ташқари, нотижорат ташкилотлар ва бизнес вакиллари ҳам иштирок этишди.

Хиндистон. Бангалор шаҳрида ПБни ишга туширишда «Janaagraha» нотижорат ташкилоти фаол роль ўйнади.

ПБнинг бюджет очкилиги сиёсатига интеграцияси

АҚШ. 2013 йил охирида Иккинчи очик ҳукумат миллий режаси қабул қилиниб (Second Open Government National Action Plan), ҳукумат очкилигини ошириш бўйича ишларнинг ягона йўналиши бўйича 23 та ташаббусни бирлаштирди. Ушбу ташаббуслар орасида ПБ эълон қилинди. Хужжатда АҚШ ҳукумати америкаликларнинг ПБдан федерал ҳамжамиятнинг ривожлантириш дастурлари доирасида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хабардорлигини ошириш чораларини баён қилди.


Классик ПБ асосида миллий лойиҳаларни амалга ошириш

Бразилия. Порту-Алегри агломерациясининг бир қисми бўлган Каноас (Canoas) муниципалитетиде фуқаролар томонидан биргаликда молиялаш жорий этилди. Бу ерда амалга оширилган Better Neighborhoods дастури «очик савдолар» тизими орқали маҳаллий ҳамжамиятларни ривожлантириш лойиҳаларига фуқаролар ўз бинолари ва мол-мулкига солинадиган солиқларнинг 50 фоизига (IPTU, Tax on Urban Building and Property) ажратишини ўз ичига олади. Шаҳар маъмурияти лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг 80%ини таъминлайди, қолган 20% лойиҳага бюртма берган маҳаллий ҳамжамият томонидан таъминланиши керак.

Польша. Плоцк (Plock) шаҳрида ПБ билан умумий хусусиятларга эга бўлган лойиҳа амалга оширилди. Ҳокимият, фаол гуруҳлар ва PKN Orlen ва Levi Strauss ўртасидаги давлат-хусусий шериклик доирасида, БМТ Тараққиёт Дастури кўмагида шаҳарни ривожлантириш стратегияси яратилди ва фуқаролик ташаббуслари ва нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлайдиган грант жамғармаси ташкил этилди. Маблағларни тақсимлаш кенг жамоатчилик асосида олиб борилган маслаҳатлашувлар асосида амалга оширилди.

Хитой. Сичуань (Sichuan) провинцияси Чэнду (Chengdu) шаҳрида ПБ жамоавий ер ижарасидан фойдаланиш ҳуқуқини тан олиш ва химоя қилишга асосланган. Чэнду аҳолиси ўзларининг лойиҳаларини танлашлари ёки ўрта муддатли кредит учун гаров таъминоти сифатида ПБ манбаларидан фойдаланишлари мумкин. Провинция аҳолиси уларни маҳаллий аҳамиятга молик лойиҳаларга сарфлашни ёки «Чэнду кичик шаҳар инвестиция компанияси» (Chengdu Small Town Investment Company) давлат инвестиция фондидан кредит олиш учун тўлиқ миқдорини (ёки унинг бир қисмини) ишлатишни танлаши мумкин.

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган (https://www.nifi.ru/images/FILES/Journal/Archive_/2016/2/statyi_2/11.pdf).



Манба: «Очiq бюджет» портали маълумотлари асосида тайёрланган, www.openbudget.uz.

Ўзбекистонда «Ташаббусли бюджет» амалиёти натижаларини кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йил давомида республика бўйича «Ташаббусли бюджет» амалиёти натижасида туман (шаҳар)лар фуқароларидан www.openbudget.uz очiq бюджет ахборот порталида жами 52 634та таклиф ва овозлар келиб тушган ҳамда аҳоли таклифларига кўра ажратилган маблағлар жами 113 млрд. сўмни ташкил этган.

Жумладан, биринчи чорак якунларига кўра, жами шакланган қўшимча маблағлар 253,3 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 4049та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 28,9 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Иккинчи чорак якунлари бўйича шакланган қўшимча маблағлар 437,9 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қў-

шимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 19 976та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 48,3 млрд. сўмлик маблағ ажратилган. Учинчи чорак якунлари бўйича эса жами шакланган қўшимча маблағлар 333,6 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 28 609та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 35,8 млрд. сўмлик маблағ ажратилган.

Чораклик кўрсаткичлар шундан далолат бермоқдаки, фуқаролардан республика бўйича келиб тушган таклиф ва овозлар 2019 йилнинг 1-чорагига нисбатан 3-чорагида 7 баробарга ошган⁵.

Республика бўйича жами маҳаллий бюджетларнинг 2019 йил 1-, 2-, 3-чорак якунлари бўйича қўшимча маблағлари ҳисобидан йўлларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, таълим муассасаларини қуриш ва таъмирлаш,

аҳоли коммунал хизматлар билан таъминлаш тадбирларига энг кўп таклиф ва овозлар келиб тушган ва маблағлар йўналтирилган (Диаграмма).

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган 2019 йил давомида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳудудлардаги бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар муваффақиятли ҳал қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ПБ пайдо бўлганидан чорак аср ўтгач, ҳозирги босқичда классик ПБ баъзи ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Биринчи оммабоп тенденция – ПБ механизмида Интернет-технологияларидан фойдаланиш орқали аҳолини қамраб олишнинг ўсиши. Иккинчи аниқланган тенденция – ПБ механизмини лойиҳалаш аниқ мақсадли гуруҳларни жалб қилиш (аёллар, ёшлар, муҳожирлар) ва шу билан бирга ижтимоий қатламнинг номуносиблигини

⁵ Фуқаролар учун бюджет/лойиҳа 2020, <https://openbudget.uz>.

Ўзбекистонда «Ташаббусли бюджет» амалиёти натижаларини кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йил давомида республика бўйича «Ташаббусли бюджет» амалиёти натижасида туман (шаҳар)лар фуқароларидан www.openbudget.uz очиқ бюджет ахборот порталида жами 52 634та таклиф ва овозлар келиб тушган ҳамда аҳоли таклифларига кўра ажратилган маблағлар жами 113 млрд. сўмни ташкил этган.

камайтиришга, тенг ҳуқуқлар ва имкониятларни ривожлантиришга ҳисса қўшди. Учинчи тенденция – ННТларнинг жалб этилиши бўлиб, улар лойиҳа маркаслари вазифасини ёки танланган фуқаролар лойиҳаларини бажариши мумкин. Тўртинчи тенденция – АҚШда оммалашган бюджетнинг очиклиги сиёсатига ПБнинг интеграцияси ҳисобланади. Бешинчи тенденция – ПБ классик механизми бўйича маълум бир аҳоли пункти эҳтиёжларига уни мослаштириш мақсадида кенг тажриба ўтказилиши ва натижада бир қатор инновацион амалиётларнинг қўлланилишидир.

Юқоридаги илмий хулосаларга асосланиб, республика миқдарида бюджет жараёнидаги (қарорлар қабул қилишда) фуқаролар иштирокини халқаро даражадаги партисипатор бюджетлаштириш амалиёти каби йўлга қўйиш ўрта муддатли истиқболдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ҳозирги амалиётни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларимиз куйидагилардан иборат:

❖ фуқаролар, жамоат гуруҳларининг бевосита қарорлари асосида ўзгартириш киритилиши мумкин бўлган

жараённинг «ўйин қоидалари» ишлаб чиқилмаганлиги;

❖ ПБ амалиётини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали фуқаролар (турли тоифалари ва гуруҳлари)нинг партисипатор бюджетлаштириш амалиётидаги иштироки вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

❖ ПБ амалиётини амалга ошириш механизми (мақсади ва вазифалари, даври, босқичлари, иштирокчилар, ташкилотчилар ва шу кабилар)ни ишлаб чиқиш;

❖ овоз бериш жараёнининг натижаларига кўра энг кўп овоз олган таклиф кўринишидаги ғоялар лойиҳаларга айлантирилиши ва уларни амалга оширишининг бориши

бўйича фуқаролар кузатуви-ни йўлга қўйиш;

❖ жараёнда иштирокчи томонлар (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар)нинг маслаҳат кўринишидаги манфаатли учрашувларини режалаштириш;

❖ жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга ажратилган маблағларнинг самарали фойдаланилишини ва бажарилган иш (хизмат)ларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши ҳолатини назорат қилишда жамоатчилик назоратини жорий этиш;

❖ амалиётни бюджетнинг очиклиги ва шаффофлиги билан уйғунликда босқичма-босқич ривожлантириб бориш.

ABSTRACTS

INTERNATIONAL EXPERIENCE OF PARTICIPATORY BUDGETING AND PROSPECTS FOR ITS DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

This article discusses participatory budgeting, its history, and development, which is currently available at all levels of government around the world, including cities, counties, states, districts, regions, and national governments. According to the author, participatory budgeting implies a direct democratic approach to budgeting. This provides citizens with the opportunity to learn about government activities, discuss them, and influence the allocation of public resources. The article also talks about the work being done in Uzbekistan in the field of participatory budgeting.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА «КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИ



Дилмурод Суюнов,
и.ф.д., Абу Райҳон Беруний
номидаги «Бизнес ва
бошқарув республика
олий мактаби» профессори

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясидаги «...корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш зарурлиги масаласи ва ...ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш¹ ҳам айнан ушбу муаммони ҳал этишда муҳим ўрин тутати. Бундан ташқари, 2020 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитлари акциядорлик жамиятларининг фаолиятини самарали бошқаришни таъминлашда компанияларнинг очиқлиги, шаффофлиги ҳамда этик стандарт ва нормаларга амал қилинишини талаб этмоқда. Бундан ташқари, узоқ муддатларга белгиланган стратегияларни ҳамда инновацион янгилликларни амалиётга самарали жорий қилишда жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда замонавий назорат тизимининг акциядорлик жамиятларининг фаолиятига жорий этилиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Президентининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт

дастури билан ҳамкорликда вазирлик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи «комплаенс назорат» тизимини жорий этиш² вазифаси куйилди.

«Комплаенс» сўзи (инглизча compliance сўздан олинган) – бу Комплаенс (инглизча – розилик, комплаенс; бажариш – бажариш феълидан келиб чиққан) – сўз ёки сўровга мувофиқ сўзма-сўз (Оксфорд инглизча луғати) бўйсунуш (инглиз тилида комплаенс – бу талаб ёки буйруққа мувофиқ ҳаракат, итоаткорлик) маъносини англатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш материаллари. 2020 йил 11 февраль. «Халқ сўзи» газетаси.



Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан бири «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишидан иборат³, яъни мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (уни бекор қилиш) бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши, акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган АЖда фақат кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит кўмитаси ташкил этилиши шартлигининг белгиланиши ҳамда жамиятнинг ички аудит хизмати (у мавжуд бўлса) ўз фаолиятида ушбу кўмигага ҳисобдорлигининг белгиланганлиги жуда муҳимдир.


Шундай бўлса-да, бугунги кунда назорат тизимини тако-

миллаштиришда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида фаолият кўрсатаётган компанияларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай компаниядаги иш фаолияти қанчалик стандартлаштирилган бўлса, унинг иш фаолияти самарадорлиги ва сифати шунча юқори бўлади. Шундай экан, бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги компанияларнинг «комплаенс-назорат» тизими ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Бу тизим кўпгина компаниялар фаолиятида қўлланилиб келинаётган бўлса-да, унинг корпоратив бошқарувдаги роли ва «комплаенс-назорат» тизими билан корпоратив менежмент ўртасидаги алоқалар ҳамда корпоратив бошқарувнинг сифатига таъсири масалалари кенгроқ ўрганилмаганлигини таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, инвестиция жалб қилаётган ҳар қандай компанияда Нью-



Жаҳон тажрибасида «Комплаенс» тизимининг шаклланиши ва унинг ривожланиш тарихи 1906 йилда АҚШнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш вазирлигининг ташкил қилиниши билан боғлиқдир (Food and Drug Administration). Аммо «Комплаенс-назорат» тизимининг биринчи ривожланиш даври XX асрнинг 60-70-йилларига оид кўп-лаб коррупцион жанжалларнинг келиб чиқиши натижаси эди. Хусусан, 1972 йилда Уотергейт жанжалида Американинг йирик корпо-



рациялари томонидан чет эллик амалдорларни сотиб олиш ва улардан пора олиш фактлари аниқланган. Фойда олувчилар орасида Mobil, EXXON, Phillips Petroleum каби монстрлар иши кўриниб қолган.


